

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

ДАРМАНОВ МУХТОР МУХАММАДОВИЧ

ДНК МАРКЕРЛАРИГА АСОСЛАНГАН СЕЛЕКЦИЯ (МАС)
ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА ЯНГИ РАВНАҚ-1 ВА РАВНАҚ-2 ҒҮЗА
НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ

03.00.14 – Геномика, протеомика ва биоинформатика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дарманов Мухтор Мухаммадович

ДНК маркерларига асосланган селекция (МАС) технологияси ёрдамида янги Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навларини яратиш..... 3

Дарманов Мухтор Мухаммадович

Создание новых сортов хлопчатника Равнак-1 и Равнак-2 с использованием технологии ДНК маркер ассоциированной селекции (MAS) 21

Darmanov Mukhtor Mukhammadovich

Creation of new cotton varieties Ravnaq-1 and Ravnaq-2 using DNA marker assisted selection technology (MAS)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

ДАРМАНОВ МУХТОР МУХАММАДОВИЧ

ДНК МАРКЕРЛАРИГА АСОСЛАНГАН СЕЛЕКЦИЯ (МАС)
ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА ЯНГИ РАВНАҚ-1 ВА РАВНАҚ-2 ҒҮЗА
НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ

03.00.14 – Геномика, протеомика ва биоинформатика

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/B174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Геномика ва биоинформатика марказида амалга оширилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) манзилига ва ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталиниг www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахмонов Иброҳим Юлчиевич
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Турдикулова Шахло Уткуровна
биология фанлари доктори

Курбанбаев Илҳам Джуманазарович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Биоорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон Миллий университети, ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30; e-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» даги _____ рақамли реестер баённомаси)

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, қ.-х.ф.д.

С.М. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

З.Т. Буриев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.,
катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарлиги ва зарурати. Дунёда ғўза экиладиган майдонларнинг 95% ни эгаллаган ўрта толали ғўза (*G. hirsutum*) турининг тола сифат кўрсаткичларини яхшилаш дунё ғўза селекцияси дастурининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу эса ғўза селекциясига инновацион ишланмаларни, жумладан ДНК маркерларига асосланган селекция (МАС) технологиясини тадбик этган ҳолда янги истиқболли навларни яратишни талаб этади. Шунга кўра, замонавий трансгеномика ва маркерларга асосланган селекция технологиялари ёрдамида генетик такомиллаштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ғўзанинг ҳосилдорлик, тола сифат белгилари ва ташқи таъсирларга чидамлилик каби белгиларини яхшилашда ва генларни интрогрессия қилишда ДНК маркерларининг аҳамиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, ҳозирда селекция жараёнларини қисқартириш ва тола сифати юқори ғўза навларини яратишда муҳим ҳисобланган МАС технологияси янги ғўза навларини яратишнинг замонавий селекцияси асоси сифатида қаралмоқда. МАС технологияси янги навлар яратишда кам вақт талаб қилиши жиҳатидан анъанавий селекция усулларига нисбатан бирмунча самарадорлиги, асосийси яратилаётган навлар фақатгина фенотип бўйича эмас балки генотип бўйича ҳам танлаб борилиши билан муҳим саналади. Бу ўринда, МАС технологиясининг янада бир афзалиги сифатида янги навнинг мослашувчанлик хусусиятлари, барқарорлиги ҳамда чидамлилигини белгиловчи генетик хилма-хиллиги янада кенгайишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу жиҳатдан, ғўзанинг тола сифат белгиларига генетик бириккан ДНК маркерларини танлаб олиш, уларни МАС технологиясиға жорий қилган ҳолда янги ғўза навларини яратиш илмий аҳамият касб этади.

Ҳозирда республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига интенсив ва инновация ишланмаларини жорий қилган ҳолда экинларнинг янги навларини яратиш ва уларнинг ҳосилдорлиги ҳамда касалликларга чидамлилигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида муҳим натижаларга, жумладан, ғўзанинг бир қанча фойдали генлари карталаштирилди, тола сифат белгиларига генетик бириккан ДНК маркерлари аниқланди, тезпишар, ҳосилдорлиги ва тола чиқими юқори бўлган кўплаб янги, истиқболли навлар яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий этиш ҳамда маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги селекция навларни яратиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқкан ҳолда, ўрта толали ғўза (*G. hirsutum*) тури учун маркерларга асосланган селекция (МАС) технологиясини жорий этиб, ўзида тола сифат белгиларини яхшиловчи

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

микдорий белги локусларини тутган бошланғич селекцион намуналар олиш ва истиқболли янги ғұза навларини яратиш мұхим илмий-амалий ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-П-сон «Селекция ютуқлари тұғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «Қишлоқ хұжалиги әқинларини оқылона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тұғрисида» ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожланишириш бүйича қаралаттар стратегияси тұғрисида»ги Фармона ҳамда мазкур ғағолиятта тегишли бошқа меъерий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланған вазифаларни амалға оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласы.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йұналишларындағы мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хұжалиги, биотехнология, экология ва атроф-мұхит мұхофазаси” устувор йұналишига мұвоғиқ бажарылған.

Муаммонинг ўрганилганлық даражасы. Хориж олимлари Chen et al. (2007), Zhang et al. (2008) ДНК маркерларидан фойдаланған холда генетик бирикканлық карталарини түзиш, мұхим агрономик белгиларни карталаштириш ва генетик хилма-хилликни ўрганиш бүйича илмий тадқиқотлар олиб боришилған. Mumtaz et al, (2007) SSR маркерлар ёрдамида *G. barbadense* дан *G. hirsutum* геномига QTL локусларини интроверсия қылған ва тола узунлигини 2-3 мм га үзайтиришга эришілген. Geng et al, (1995) RAPD маркерлар технологиясینи ғұзада сүрүвчи ва кемириувчи хашаротларға чидамли навларни ажратып олишга жорий қылған. Хитойлик олимлар Shang et al, (2016) томонидан ғұзада молекуляр маркерлар асосыда рекомбинант инбред линиялар ва беккросс популяциялар яратылған. АҚШ лик олимлар Gutierrez et al. (2011), J. C. McCarty et al, (2017) ғұзанинг 18- ва 21-хромосомаларда илдиз бүртма нематодасынан чидамлилық хусусиятини бошқарувчи QTL локусларында бириккан CIR316, GH132, BNL3279 ва BNL569 ДНК маркерларидан фойдаланып, ушбу заарқунаңдага чидамли янги ғұза линияларини яратылған.

МДХ мамлакатларыда Ю.П. Алтухов (2002); А.А. Банникова (2004); Г.Е. Сулимова (2004); М.Г. Смарагдов (2009); Т.В. Матвеева (2011); Е.К. Хлесткина (2011) каби олимлар молекуляр маркерлардан фойдаланып селекция жараёнларини сезиларлы даражада қысқартиришга эришілген.

Ўзбекистонда дастлаб Ш. Юнусхонов (2003), Р.К. Шодмонов (2004), М.Х. Авазхұжаев каби олимлар аньанавий ғұза селекцияси усулларини оқсил молекулалари, түрли ферментлар ва иккиламчи метаболитлар асосыда яратылған биокимёвий маркерлардан фойдаланған. Кейинчалик И.Ю. Абдурахмонов (2008; 2009) дүнёда биринчилардан бўлиб ғұзада молекуляр маркерлардан фойдаланып, нотенг бирикканлық ва микдорий белгилар локусларини карталаштириш ишларини олиб борган ва МАС дастури учун

ДНК маркерларини тавсия этган.

Лекин ханузгача ғўзада ДНК маркерларини қўллаш орқали тола сифат белгиларини яхшилаш ва янги навлар яратиш бўйича тадқиқотлари олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Геномика ва биоинформатика маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф4-Т149 «Маркерларга асосланган селекцияни ривожлантириш учун ғўза геномини тадқиқ этиш» (2007-2011), А6-Т029» Генетик жиҳатдан бойитилган ғўза генотипларини олиш учун маркерларга асосланган селекция, генларни пирамидалаш ва ген муҳандислик технологияларидан фойдаланиш» (2012-2014), ФА-И5-Т017 «Маркерларга асосланган селекция (МАС) ёрдамида яратилган юқори сифатли Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза линиялари уруғларини кўпайтириш» (2015-2016) мавзуларидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта толали ғўза (*G.hirsutum*) учун маркерларга асосланган селекция (МАС) дастурларини жорий этиш асосида ўзида тола сифат белгиларини яхшиловчи миқдорий белги локусларини тутган бошланғич селекцион намуналар олиш ва янги ғўза навларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тола сифат белгиларига генетик бириккан ҳамда ота-она намуналари ўртасида полиморф бўлган ДНК маркерларини танлаш;

ғўза гермоплазмасидан ДНК маркерлари ёрдамида ота-она намуналарини танлаш;

танлаб олинган ота-она намуналарини МАС технологияси асосида ўзаро оддий ва беккросс дурагайлаш орқали дурагай комбинациялар яратиш;

беккросс дурагай комбинацияларда молекуляр-генотипик таҳлиллар ўтказиш ҳамда геномида керакли QTL аллеллари мавжуд намуналарни танлаш;

биоинформатик таҳлиллар асосида кўчириб ўтказилган QTL худудларидан номзод ген ва оқсиллар аниқлаш;

геномида тола сифат белгиларига генетик бириккан QTL аллелларини тутган, BC₅ авлод дурагай комбинацияларидан тола сифати яхшиланган янги ғўза навларини яратиш;

яратилган беккросс дурагайлар ва навларни назорат намуналар билан биргаликда рандомизация усули асосида табиий шараоитда экиб, сифат белгиларини таҳлил қилиш;

яратилган янги ғўза навларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг L-141, L-N1 ва Saenr Pena 85 линиялари (донор) ва маҳаллий Андижон-35, Мехнат навлари (реципиент) ҳамда улар асосида яратилган беккросс дурагайлар ва янги Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навлари фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг тола сифат белгиларига генетик бириккан QTL локуслари, тола сифат кўрсаткичлари ва бошқа қимматли

хўжалик белгилари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекцияси анъанавий усуллари, геномиканинг замонавий усуллари (геном ДНК ажратиш, ПЗР таҳлили ва генотиплаш) ҳамда биоинформатик ва статистик таҳлиллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор МАС технологиясини қўллаш орқали, тола сифат белгиларига генетик бириккан ДНК маркерларининг тола пишиқлиги ҳамда узунлиги белгиларга таъсири исботланган;

ўрта толали ғўза гермоплазмаси ноёб намуналаридан геномида тола сифат белгилари билан боғлиқ бўлган QTL локусларини тутган донор линиялар аниқланган;

МАС технологияси ёрдамида тола сифат белгиларига генетик бириккан QTL аллелларини тутган бир нечта беккросс дурагай комбинациялари яратилган ва ўтказилган аллелларнинг генотипик ва фенотипик ирсийланиши асосланган;

геномида керакли QTL аллеллари мавжуд бўлган ва ушбу аллеллар бўйича гомозигота холатидаги намуналар ажратиб олинган;

биоинформатик таҳлиллар асосида кўчириб ўтказилган QTL худудларидан толанинг ривожланиш жараёнларини бошқарувчи номзод ген ва оқсиллар аниқланган;

МАС технологияси асосида яратилган беккросс дурагай комбинациялар ва навларда тола сифат кўрсаткичлари назорат намуналарнига нисбатан юқори эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

ғўзанинг тола сифат белгиларига ассоциация бўлган QTL локусларини интрогрессия қилиш орқали бир нечта бошланғич селекцион намуналар яратилган;

илк бор Ўзбекистонда МАС технологияси асосида тола сифати яхшиланган янги Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навлари яратилган;

Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навларининг бирламчи уруғчилик питомниклари ташкил этилган, супер-элита уруғлари кўпайтирилган ва фермер хўжаликларига берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги геномиканинг замонавий усул ва ёндашувлари ёрдамида тасдиқланган. Маълумотларнинг вариациялар таҳлили (ANOVA), молекуляр вариациялар таҳлили (AMOVA) ва бошқа статистик усуллардан фойдаланиб, таҳлил қилинган ва тасдиқланган. Булардан ташқари ҳар йили ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангилиги, олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар асосида тола сифат белгиларига генетик бириккан полиморф маркерлар панели

яратилганлиги, ўрта толали ғўза намуналарини МАС технологияси асосида ўзаро дурагайлаш натижасида беккросс дурагайлар олиниши, олинган дурагайларда тола сифат қўрсаткичлари яхшиланганлиги, беккросс авлодлар молекуляр таҳлиллар асосида танлаб борилганлиги, МАС беккросс дурагайларда ўтказилган аллелнинг ирсийланиши аниқланганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич селекцион намуналар, яъни ғўзанинг МАС беккросс линиялари яратилганлиги, улар орасидан тола сифат белгилари яхшиланган ва ҳосилдорлиги юқори бўлган шакллари ажратиб олиниб, янги навлар яратилганлиги, ушбу навларнинг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг янги ғўза навларининг навдорлигини баҳолаш синовидан ўтганлиги, фермер хўжаликларида экилиб, юқори ҳосил олинаётганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ДНК маркерларига асосланган селекция (МАС) технологияси ёрдамида янги Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навлари Наманган вилояти фермер хўжаликларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 20/20-114-сон маълумотномаси). Натижада янги навлардан гектаридан ўртacha 40 ц ҳосил ва юқори сифатли тола олиш имконини берган;

ўрта толали ғўза (*G.hirsutum*) селекциясига замонавий ДНК маркерларига асосланган селекция технологияси ФА-И5-Т017 ракамли «Маркерларга асосланган селекция (МАС) ёрдамида яратилган юқори сифатли Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навлари уруғларини кўпайтириш» мавзусидаги инновация лойиҳасида навларнинг дастлабки уруғчилигини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 29 январдаги 4/1255-214-сон маълумотномаси). Натижада навдорлиги ва унувчанлиги юқори бўлган сифатли супер-элита уруғлари тайёрлаш имконини берган;

Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навлари ҳамда 10 дан ортиқ селекция намуналари республикада етакчи бўлган «Геном технологиялари асосида яратилган ноёб ғўза ва бошқа экинлар генофонди» ноёб обьектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 2 апрелдаги 4/1255-820-сон маълумотномаси). Намуналар ғўза гермоплазмаси коллекциясини бойитган ва МАС технологияси орқали ғўзада тола сифати ва вилтга чидамлилик белгиларини пирамидалаш асосида янги линиялар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 3 та ҳалқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Улардан 5 таси илмий мақола бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация

комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, уларнинг 3 таси республика ва 2 таси ЎзР ОАК раёсати томонидан халқаро журналларда нашр этилган мақолаларга тенглаштирилган халқаро анжуманлар материалларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши хақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Маркерларга асосланган селекция технологиясининг тарихи, тадбиқ қилиниши, афзалликлари, бугунги холати»** деб номланувчи биринчи бобида дунё ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланган маълумотлар акс этган.


МАС технологиясининг тарихи, ДНК маркерлари турлари ва уларнинг номланиши ҳамда улардан дастлабки фойдаланилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар ёритиб берилган. Турли қишлоқ хўжалиги ўсимликларида МАС технологиясининг қўлланилиши ва технология ёрдамида олинган ўсимлик навлари, технологиянинг анъанавий селекция усулларига нисбатан афзалликлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ғўзада бирикканлик хариталарини тузиш, генетик хариталаштириш ва улар асосида тавсия этилган қимматли хўжалик белгиларига бириккан ДНК маркерлари ҳамда ушбу маркерлардан фойдаланиб турли ташқи таъсирларга чидамлиликни ошириш ва тола сифат белгиларини яхшилашда МАС технологиясининг самарадорлиги ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган. Ғўзада *in silico* ПЦР ва биоинформатик таҳлиллардан фойдаланиб, номзод генлар ва оқсилларни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шархи келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **«Материаллар, тадқиқот усуллари ва шароитлари»** мавзусидаги иккинчи бобида тадқиқот ўтказишнинг усуллари, шароитлари ва материаллари батафсил ёритилган. Ўсимлик материаллари, фойдаланилган реагентлар ва ускуналар, ДНК ажратиш усуллари, ПЗР, гел-электрофорез ва генотиплаш, тола сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш, статистик таҳлиллар ҳамда биоинформатик таҳлиллар ўтказиш усуллари қисқача тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот учун ота-она намуналарини танлаш ва**


МАС дурагай комбинацияларини яратиш” номли учинчи бобида МАС технологиясими амалга ошириш учун тола сифат белгиларига генетик бириккан ДНК маркерларини ва ғұза гермоплазмасидан ота-она намуналарини танлаш ҳамда ушбу ғұза намуналаридан фойдаланыб беккросс дурагай комбинацияларини яратиш, шунингдек беккросс дурагайларда олиб борилган молекуляр ва статистик таҳлиллар натижалари келтириб үтилган.

Мазкур бобнинг биринчи бўлимида ДНК маркерлари ва ўсимлиқ намуналарини танлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар келтирилган. Ғұза гермоплазмасидан ҳар хил экотипларнинг турли аъзоларини ўз ичига олган, генетик жиҳатдан бир-биридан узок, тола сифат кўрсаткичларига генетик бириккан QTL аллелларни ўзида тутган донор ғұза намуналарини генетик хилма-хилликларига асосан танлаб олинди. Бу донор генотиплардаги QTL ларни МАС технологияси усулида интровергессия қилиш учун республикамизда экиб келинаётган, бироқ тола сифат кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган (санаат типи V-тип) 10 дан ортиқ ғұза навларини танлаб олинди. QTL аллелларининг трансферини дурагайлаш жараёнларида назорат қилиш мақсадида, ота-она намуналари ўртасида полиморф бўлган, муҳим тола белгиларига генетик бириккан 23 та ДНК маркерларини мониторинг воситаси сифатида танлаб олинди (1-расм).




1-расм. МАС тадқиқотлари учун SSR маркерларини танлаш намунаси

Бобнинг иккинчи бўлимида МАС технологиясида дурагай комбинациялар яратиш бўйича олиб борилган кенг қамровли тадқиқотлар баён қилинган. Тадқиқотни амалга ошириш учун танлаб олинган донор ва реципиент намуналарда ўзаро дурагайлаш ишлари олиб борилди ва бир нечта дурагай комбинациялар яратилди. Яратилган биринчи авлод дурагайлари, реципиент нав геномини қайта тиклаш мақсадида она генотип билан такрорий (беккросс усулида) дурагайлаш амалга оширилди ва бир нечта беккросс комбинациялар яратилди (2-расм).




2-расм. МАС технологиясида дурагай комбинациялар яратышда дурагайлаш схемаси.

Тадқиқотларда фойдаланилган, тола узунлиги ва пишиқлигига генетик бириккан BNL1604 ДНК маркерининг интрогрессия қилинган аллели кўплаб хорижий тадқиқотларда (Zhang ZS; et al., 2009, Yu JZ; et al., 2012, Wang et al., 2017) шунингдек, марказ олимлари томонидан амалга оширилган фўзада ассоциатив карталаштириш тадқиқотлари натижасида ҳам фўзанинг 16-хромосомасида жойлашганлиги аниқланди (И.Ю.Абдурахмонов ва бошқ. 2008; 2009). Дунёда биринчилардан бўлиб фўзанинг 16-хромосомасида жойлашган, тола узунлиги ва пишиқлигига генетик бириккан локус маркерланиб фўза селекциясига тадбиқ қилинди (3-расм).



3-расм. Тола узунлиги ва пишиқлиги маркёрланган 16 хромосома схемаси

Яратилган МАС беккросс дурагай ўсимликларидан ҳар бир авлодда геном ДНК ажратилиб, тола пишиқлиги ва узунлиги белгиларига ассоциация бўлган BNL1604 маркери билан танлаб борилди. Маркер аллелларини тутган намуналар навбатдаги тадқиқотлар учун танлаб олинди. Молекуляр-генотипик таҳлиллар натажаларига қўра тадқиқ қилинган 188 та BC₅F₁((Андижон-35×Л-141)×Андижон-35) дурагай ўсимликларининг 105 тасида гетерозигота холати, яъни донор ва реципиент аллелларининг биргаликда келиши, 83 тасида эса тадқиқ қилинаётган геном региони реципиент геномига ўхшаш эканлиги аниқланди (4-расм).



4-расм. BNL1604 маркери ёрдамида олинган ПЗР махсулотларининг агароза гелидаги электрофореграммаси: М – ДНК молекуляр массасини аниқлаш учун маркер, R – реципиент, D –донор, F₁ – биринчи авлод дурагайи, 1-16 гача BC₅F₁ дурагайлар, ↓ b - маркер белги бўйича гомозигота холатида, ⇧ h-маркер белги бўйича гетерозигота холатида, ♦ a- маркер белгиси тутмаган.


Танлаб олинган дурагай ўсимликларининг тола намуналари назорат ўсимликлар тола намуналари билан биргаликда HVI ускунасида таҳлил қилинди. Айнан тадқиқ қилинаётган белгилар, яъни тола узунлиги ва пишиқлиги, геномида донордан ўтказилган маркер аллели мавжуд бўлган BC₅F₁ намуналарда реципиент ва маркер аллели мавжуд бўлмаган дурагай намуналарнига нисбатан анча юқорилиги кузатилди (1-жадвал).

Яратилган BC₅F₁ дурагайларида тола кўрсаткичларининг юқорилигини инобатга олган холда ушбу комбинация ичидан якка танлов асосида такомиллашган шакллари ажратиб олинди.

**BC₅F₁((Андижон-35хЛ-141)хАндижон-35) дурагайлари HVI
маълумотларининг ўртача кўрсаткичи**

Белгилар	BC ₅ F ₁		Андижон-35		Л-141		Маркер белгисини тутмаган дурагайлар		Наманган-77	
	X ⁻	δ	X ⁻	δ	X ⁻	δ	X ⁻	δ	X ⁻	δ
Mic	4,4	0,3	4,9	0,8	4,1	0,2	5,0	0,01	4,7	0,3
Str	36,5	0,6	32,6	0,9	41,1	0,6	29,5	0,5	30,8	0,7
Len	1,27	0,01	1,12	0,01	1,28	0,19	1,09	0,06	1,11	0,03
Unf	85,0	1,2	82,5	1,3	86,0	1,1	82,0	0,6	82,8	0,1
Elg	8,9	0,8	7,4	0,6	7,8	0,1	8,1	0,2	8,0	0,4
Staple length	37,0	0,5	31,9	1,0	37,5	0,7	32,4	0,8	31,2	0,01
Lint, %	35,3	0,3	36,4	0,5	30,9	0,6	34,9	0,4	36,2	0,1

Барча намуналар ўрганилаётган белгилар бўйича ANOVA (Analysis Of Variance) дисперсион таҳлили ёрдамида ўзаро таққосланди (5-расм).



5-расм. BC₅F₁ дурагайларида дисперсион таҳлили. (F-Test, alpha = 0,05):

А) тола пишиклиги, Б) тола узунлиги. Тадқиқот намуналари: Андижон-35 – реципиент генотип; BC₅F₁ – QTL аллели мавжуд дурагайлар; Л-141 – донор генотип; Наманган-77 – стандарт (назорат); BC₅F₁ (назорат) – QTL аллели мавжуд бўлмаган BC₅F₁ дурагайлари

Учинчи бобнинг мазкур бўлимда МАС технологияси асосида генларни бир генотипга жамлаш (пирамидалаш) бўйича олиб борилган тадқиқотлар ёритилган бўлиб, тола ишиклиги, тола узунлиги ва тола элонгацияси белгиларига бириккан QTL локусларини битта маҳаллий навга жамланиб, BC₄F₂ беккросс дурагайлари яратилди. Ушбу дурагай комбинацияда тола сифат кўрсаткичлари статистик таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра, BC₄F₂ дурагайлари билан назорат Андижон-35 ва Наманган-77 навлари тола сифат кўрсаткичлари ўртасида аҳамиятли даражада фарқлар мавжуд бўлиб, бу BC₄F₂ дурагайларида тола сифат белгиларини бошқарилишида ўтказилган QTL локусларини таъсиридир (2-14

жадвал). Ўтказилган барча таҳлил натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатдан ҳам янги генотипга жамланаётган ғўзанинг янги QTL алеллари BC₄F₂ беккросс дурагайларда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

2-жадвал

Краскл-Уолис (Kruskal-Wallis Multiple-Comparison Z-Value Test) тести ёрдамида ўрганилган намуналарда тола сифат кўрсаткичларини кўп-ўлчамли таққослаш таҳлили.

Намуналар	Андижон-35	BC ₄ F ₂ дурагайлар	Л-141	Наманган-77	Saenr pena85
Тола элонгацияси, %					
Андижон-35	0.0000	4.0530**	0.1182	1.3119	0.3591
BC₄F₂ дурагайлар	4.0530**	0.0000	3.4468	5.3861**	2.0800
Л-141	0.1182	3.4468	0.0000	1.2488	0.2659
Наманган-77	1.3119	5.3861**	1.2488	0.0000	1.1058
Saenr pena85	0.3591	2.0800	0.2659	1.1058	0.0000
Тола узунлиги, дюйм					
Андижон-35	0.0000	1.7291*	5.0761	0.9611	0.5817
BC₄F₂ дурагайлар	1.7291*	0.0000	3.3350	2.6751**	0.4675
Л-141	5.0761	3.3350	0.0000	6.0077	2.6586
Наманган-77	0.9611	2.6751**	6.0077	0.0000	1.1316
Saenr pena 85	0.5817	0.4675	2.6586	1.1316	0.0000
Тола пишиқлиги г/тех					
Андижон-35	0.0000	0.3897	3.3483	4.6296	1.8394
BC₄F₂ дурагайлар	0.3897	0.0000	2.8593	4.7504**	2.0360
Л-141	3.3483	2.8593	0.0000	7.3989	3.8626
Наманган-77	4.6296	4.7504**	7.3989	0.0000	0.7678
Saenr pena 85	1.8394	2.0360	3.8626	0.7678	0.0000

Изоҳ: Андижон-35 - реципиент генотип; BC₄F₂ - QTL алели мавжуд дурагайлар; Л-141 – донор генотип; Наманган-77 – андоза; Saenr pena85 – донор генотип.

*Агарда z-қиймат > 1,9600 бўлса медианаларда сезиларли фарқ мавжуд (Regular Test).

**Агарда z-қиймат > 2,6383 бўлса медианаларда сезиларли фарқ мавжуд (Bonferroni Test).

Диссертациянинг «Биоинформатик таҳлиллар асосида кўчириб ўтказилган QTL худудларида номзод ген ва оқсилларни аниқлаш» тўртинчи бобида тола сифат белгиларини яхшилашда фойдаланилган ДНК маркери жойлашган ва унга қўшни худудларда номзод генлар ва оқсилларни аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтириб ўтилган.

Тўртинчи бобнинг биринчи бўлимида тадқиқотда фойдаланилган, тола пишиқлиги ва узунлиги белгиларига генетик бириккан QTL локусини *in silico* таҳлиллари баён қилинган. *In silico* ПЗР таҳлиллар UGENE 1.20.0 дастурий пакети ёрдамида, *G.hirsutum* геноми ҳамда BNL1604 маркери праймер жуфтларидан фойдаланилди. Виртуал ПЗР таҳлилида BNL1604 маркери жойлашган нуклеотидлар кетма-кетликлари аниқланди ва ушбу маркернинг

икки ён томонидан қўшни бўлган 50 минг жуфт асосдан жами 100 минг жуфт асосга эга локус регионидан ҳам номзод генларини аниқлашда фойдаланилди.

Бобнинг иккинчи бўлимида AUGUSTUS веб-дастури ёрдамида BNL1604 маркер локуслари жойлашган нуклеотидлар кетма-кетликлари таҳлил қилингандан геном маълумотлар баъзасидан фойдаланиб 9 та номзод ген аниқланди. Ушбу генлар аминокислоталар кетма-кетлиги оркали BLAST веб-дастурининг BLASTP алгоритмидан фойдаланган холда ўсимлик ўсиши ва ривожланиши ҳамда пахта толасини шакилланишида муҳим бўлган бир неча оқсилларни кодлаши аниқ бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

BNL1604 маркери худудидан аниқланган генлар/оқсиллар

№	Аниқланган оқсиллар	Оқсиллар жойлашган хромосомалар	Хромосомадаги виртуал ампликоннинг бошидаги нуклеотид позицияси	Хромосомадаги виртуал ампликоннинг охиридаги нуклеотид позицияси
1	STERILE APETALA-ўхшаш транскрипцион фактор	At _chr16	6282176	6288496
2	F-box оқсиллари	At _chr16	8244594	8246168
3	Терпенлар синтезида иштирок этувчи оқсиллар	At _chr16	38828990	38831500
4	Ядро пора комплексининг оқсиллари	At _chr16	44814590	44824203
5	Серин/треонин-протеинкиназа	At _chr16	72187539	72188951
6	Лейцинга бой протеинкиназа	At _chr7	91473055	91481820

BNL1604 ДНК маркери бириккан QTL жойлашган худудда F-box оқсилларини кодловчи кетма-кетликлар аниқланди. F-box оқсиллари ғўза ўсимлигига фитогормон сигнал компонентлари яъни DELLA оқсиллари билан ўзаро таъсирлашади. DELLA оқсиллари фитогормонлар фолиятини тартибга солувчи оқсиллардир. Ауксин ва гиберилиин фитогормонлари пахта толасининг дастлабки ривожланиш босқичи ва узайишида ижобий таъсир кўрсатади (Qing Miao et al., 2017).

Транскрипцион регулятор гени гул органларини ривожланишида қатнашади. Булардан ташқари кўплаб транскрипцион омиллар ғўзада толанинг ривожланиш жараёнларида иштирок этади.

Маркер худудларидан ғўзада терпенлар синтезини таъминловчи оқсилларни кодлайдиган ген ҳам аниқланди. Бизга маълумки ғўза ўсимлиги госсипол ва терпен алъдегидлар каби фитоалекцинларни ажратиб чиқаради. Фитоалексинлар ғўза ўсимлигининг асосий патогени бўлган вилт касаллигига чидамлиликни тамиллайди.

QTL худудларидан ядро поралари комплекс протеинлари гени аниқланди. Ушбу ген ўсимликларда гуллаш ва гул чангларини етилишида, ўсимликларни

кўпайишидаги физиологик жараёнларда ҳамда илдизнинг узайишида иштирок этади. Модел ўсимлик бўлган *Arabidopsis* ўсимлигига «Nucleoporins proteins» (Nup) яъни ядро тешикчалари комплекси оқсилларини кодловчи генлар мутация қилингандан эрта гуллаш ва илдизнинг узайиши кузатилган (Kentaro Tamura et al., 2013).


Лейцинга бой такрорлар рецептор табиатли протеин киназа (*Leucine-rich repeat receptor-like protein kinase LRR-RLK*) лар ўсимликларда меристемани ривожланиши, иккиласми ўсиш ва ривожланиш, микроспорогенез ва эмбриогенезда ҳамда брассиностероидлар сигнал жараёнларида иштирок этиши аниқланди. АҚШ лик олимлар ғўзанинг гулига брассиностероидларни томизиши орқали толанинг узайишини аниқлаган.

Серин/треонин-протеинкиназа ҳужайра ўсиш омили рецепторларини фаоллаштирувчи фосфатидилинозитол 3-киназа функцияларини бошқаришда иштирок этади. Фосфатидилинозитол 3-киназа эса ўсимликларда илдизнинг ўсиши ва илдиз капиляр тукчаларини узайишида муҳим омилдир. Ғўза илдизи ва илдиз тукчаларининг узайиши билан тола узайиши ўртасида ижобий корелляция кузатилган. (Pang et al., 2010).

Диссертациянинг “**МАС технологияси ёрдамида генетик бойитилган ғўза навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш**” номли бешинчи бобида МАС технологиясида яратилган янги, Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навлари тола сифати таҳлиллари, ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ёритилган.

Бобнинг биринчи бўлимида Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навларининг яратилиши ҳамда ушбу навларнинг тола сифат кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар берилган. Равнақ-1 ва Равнақ-2 навларининг ҳар иккаласида ҳам тола сифат кўрсаткичлари реципиент навларига нисбатан сезиларли даражада юқорилиги аниқланди. Масалан, тола пишиқлиги 32 г/текс ва 34 мм тола узунлигига эга бўлган реципиент “Андижон-35” навининг ушбу кўрсаткичларига нисбатан “Равнақ-1” навида тола пишиқлиги (37 г/текс) ва тола узунлиги (38 мм) каби юқори тола сифатига эга бўлди.“Равнақ-2” навида ҳам ДНК маркерлар ёрдамида тола сифат белгиларига бириккан микдорий белги локусларини самарали ўтказилди ва натижада реципиент “Мехнат” навига нисбатан тола пишиқлигини 17% ва тола узунлигини 9% га яхшиланган.

Иккинчи бўлимда Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навларида, ўтказилган QTL эффектини статистик дастурлар ёрдамида ўрганиш бўйича олинган маълумотлар келтирилган. Кўчириб ўтказилган QTL аллелларининг таъсирини ва уларни генетик боғлиқлигини ўрганиш мақсадида сифат маълумотлари статистик дастурлар ёрдамида таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига қўра Равнақ-1 ва Равнақ-2 навларида тола узунлиги ва пишиқлиги белгилари маркер белгиси мавжуд бўлмаган дурагайлар ва Андижон-35 ҳамда Мехнат навларини кузатилганда сезиларли фарқ мавжудлиги аниқланди (6-расм).



6-расм. Равнак-1 ва Равнак-2 ғўза навлари тола узунлиги

Равнак-1 нави тола сифат кўрсаткичлари ўртасидаги генетик корреляцияни ўрганиш мақсадида Пирсон усули ёрдамида статистик таҳлиллар ўтказилди. Ўтказилган корреляцион таҳлиллар натижаларига кўра, тола пишиқлиги ва узунлиги белгиси ўртасида аҳамиятга эга бўлган ($p<0.001$, $r=0,516$) ижобий корреляция мавжуд эканлиги аниқланди. Тола пишиқлиги ($p<0.001$, $r=0,549$) ва узунлиги ($p<0.001$, $r=0,370$) билан толанинг бирхиллиги ўртасида юқори ва ўртача ижобий боғланиш аниқланди. Ушбу икки белгилар билан бошқа сифат кўрсаткичлари ўртасида салбий ёки аҳамиятга эга бўлмаган кучсиз ижобий боғланишлар аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Равнак-1 ғўза навида айрим тола сифат кўрсаткичлари Пирсон корреляцияси

№	Белгилар	Len	Mic	Unf	Elg
1	Тола пишиқлиги (Str)	0,516***	-0,159**	0,549***	-0,120***
2	Тола узунлиги (Len)		-0,248**	0,370**	-0,008*
3	Микронейр (Mic)			-0,183**	0,122**
4	Бирхиллилиги (Unf)				-0,034*

Эслатма: * - $p\leq 0.05$, ** - $p\leq 0.01$, *** - $p\leq 0.001$


Равнак-2 ғўза нави ота-она ва геномида маркер белгисини тутмаган дурагайлар (назорат сифатида) ҳамда Наманган-77 нави билан З та тақорорда экилиб, тола сифат белгилари HVI усқунасида таҳлил қилинди (5-жадвал).

Таҳлилларда Равнак-2 навида $p\leq 0.05$ ҳолатида тадқиқ қилинаётган барча тола сифат белгилари ўртасида тескари генетик корреляция кузатилмади. Масалан, Равнак-2 навида тола узунлиги (Len) билан унинг пишиқлиги (Str), элонгацияси (Elg) ҳамда бирхиллиги (Unf) ўртасида ҳам кучсиз ижобий боғлиқликлар кузатилди.

Равнақ-2 ғұза нави тола сифат маълумотлари ўртаса күрсаткичлари

Белгилар	Равнақ-2		Мехнат		LN-1		Маркер белгисини тутмаган дурагайлар		Наманган-77	
	X ⁻	δ	X ⁻	δ	X ⁻	δ	X ⁻	δ	X ⁻	δ
Mic	4,4	0,03	4,8	0,03	3,7	0,06	4,7	0,05	4,7	0,04
Str	32,1	0,29	27,1	0,51	41,7	0,38	25,5	0,45	30,9	0,48
Len	1,20	0,00	1,08	0,01	1,23	0,01	1,09	0,01	1,11	0,01
Unf	83,4	0,81	82,3	0,30	85,6	0,17	82,6	0,31	82,8	0,24
Elg	7,8	0,07	7,6	0,05	7,8	0,05	7,8	0,09	8,0	0,07
Lint, %	37,5	0,23	39,7	0,21	36,3	0,21	37,9	0,27	36,2	0,22

Равнақ-2 навида корреляция даражаси ўртаса ижобий ($r=0,572$) бўлган бўлса, Мехнат навида ушбу белгилар ўртасида кучсиз мусбат корреляция кузатилди. Булар шуни кўрсатдиди, Равнақ-2 навида тола узунлиги (Len) қанча юқори бўлса, унинг пишиқлиги (Str), элонгацияси (Elg) ҳамда бирхиллилиги (Unf) белгилари ҳам юқори кўрсаткични намоён қилмоқда (7-расм). Ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра МАС навларида толанинг пишиқлиги белгиси билан тола узунлиги кўрсаткичлари ўрасида кузатилган тўғри корреляция донор генотипдан реципиент навга ўтказилган QTL локусининг аддитив эфекти, яъни генларнинг биргаликдаги таъсири натижаси деган хуносага келиш мумкин.



7-расм. Равнақ-2 навида тола сифат кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро генетик корреляция: А – тола узунлиги (Len) билан пишиқлиги (Str) ўртасида ($p<0,001, r=0,377$), Б – тола узунлиги (Len) ҳамда бир хиллилиги (Unf) ўртасида ($p=0,001, r=0,360$),

Бешинчи бобни якуний бўлимида МАС технологияси асосида яратилган янги ғұза навларини кенг миқиёсда экиш учун бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва улар асосида олинган маълумотлар келтирилган. Равнақ-1 ва Равнақ-2 навлар супер-элита уруғларини кўпайтириш мақсадида Геномика ва биоинформатика маркази “Маҳсус уруғчилик хўжалигига” бирламчи уруғчилиги ташкил қилинди. 2017 йилда Наманган вилоятидаги уруғчиликка

ихтисослашган «Навбахор намунаси» фермер хўжалигида 26 га майдонда Равнақ-1 ғўза нави ва «Тепақўргон ибрати» фермер хўжалигида 30 га майдонда Равнақ-2 ғўза нави супер-элита авлодли уруғлари қўпайтирилди. Янги навлардан гектаридан ўртача 40 ц дан юқори ҳосил олишга эришилди. 2018 йилда ҳар икки нав 500 гектардан жами 1000 гектарга экилди.

ХУЛОСАЛАР

«ДНК маркерларига асосланган селекция (МАС) технологияси ёрдамида янги Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навларини яратиш» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ДНК маркерлари тола сифат белгиларига генетик бириккан микдорий белги локусларини интровергессия қилишда ва тола сифатини яхшилашда ижобий таъсирни намоён этди.

2. Геномида тола сифат белгиларига алоқадор QTL локуслари мавжуд донор линиялар тола сифати юқори бўлган ғўза навларини яратишда қимматли бошланғич манба эканлигини кўрсатади.

3. МАС технологияси асосида тола пишиклиги ва узунлиги QTL аллели бўйича гомозигота холатидаги бир нечта беккросс дурагайлар яратилди ва ушбу дурагайлар генетик-селекцион жараёнларда тола сифати юқори бўлган бошланғич манба сифатида хизмат қиласди.

4. Кўчириб ўтказилган QTL худудларини биоинформатик таҳлил қилиш натижасида пахта толаси ривожланишида бевосита ёки билвосита иштирок этувчи ва умуман ўсимликнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайдиган номзод генлар аниқланди.

5. Геномида тола сифат белгиларига генетик бириккан QTL аллелларини тутган юқори авлодли беккросс дурагай комбинациялар ва МАС технологияси асосида яратилган янги ғўза навларининг тола сифат кўрсаткичлари назорат намуналарнига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

6. МАС технологияси янги навлар яратишда селекцион жараёнларни қисқартиришда, фенотип ва генотип асосида танлов олиб боришда, ғўзанинг генетик хилма-хиллигини янада кенгайтиришда самарали эканлиги тасдиқланди.

7. Равнақ-1 ва Равнақ-2 навларида толанинг пишиклиги билан тола узунлиги ўртасида ижобий корреляция мавжудлиги донор генотипдан реципиент навга ўтказилган QTL аллелларининг аддитив самараси, яъни генларнинг биргаликдаги таъсири билан изоҳланади.

8. МАС технологияси асосида яратилган Равнақ-1 ва Равнақ-2 ғўза навлари истиқболли нав сифатида фермер хўжаликларига тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc. 29.08.2017.В.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**
ЦЕНТР ГЕНОМИКИ И БИОИНФОРМАТИКИ

ДАРМАНОВ МУХТОР МУХАММАДОВИЧ

**СОЗДАНИЕ НОВЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА РАВНАК-1 И
РАВНАК-2 С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ТЕХНОЛОГИИ ДНК МАРКЕР
АССОЦИИРОВАННОЙ СЕЛЕКЦИИ (МАС)**

03.00.14 – Геномика, протеомика и биоинформатика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/B174.

Диссертация выполнена в Центре геномики и биоинформатики.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич
доктор биологических наук, академик

Официальные оппоненты:

Турдикулова Шахло Уткуровна
доктор биологических наук

Курбанбаев Илхам Джуманазарович
доктор биологических наук

Ведущая организация:

Институт Биоорганической химии

Защита диссертации состоится «____» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc. 29.08.2017.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений, Национальном университете Узбекистана (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-Юз. Актовый зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-22-30, e-mail: igebr@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за № ____). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-Юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №____ от «____» _____ 2018 года)

А.А. Нариманов

Председатель научного совета по
присуждению учёных
степеней, д.с.х.н.

С.М. Набиев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.б.н
старший научный сотрудник

З.Т. Буриев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.б.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Улучшение показателей качества волокна средневолокнистого хлопчатника (*G. hirsutum*), на долю которого приходится 95% мировых посевных площадей, занятых этой культурой, является одной из главных задач мировой селекционной программы по хлопчатнику. Это, в свою очередь, требует получения новых перспективных сортов хлопчатника путем внедрения в селекцию хлопчатника инновационных разработок, в частности, технологии ДНК-маркер ассоциированной селекции (МАС). Сказанное определяется важность создания генетически усовершенствованных сельскохозяйственных культур пользуясь методами современной трансгеномики и маркер ассоциированной селекции.

В мире уделяется особое внимание изучению значимости ДНК-маркеров при интродукции генов и улучшении таких показателей хлопчатника, как урожайность, качество волокна, устойчивость к внешним стрессам. В частности, в тех случаях, когда речь идет о сокращении продолжительности селекционного процесса, получения сортов с улучшенными качествами волокна МАС технология рассматривается как важнейший инструмент современной селекции и основа для создания новых перспективных сортов. Важнейшим преимуществом МАС технологий по сравнению с традиционной селекцией является более короткое время, необходимое для получения нового сорта и возможность вести отбор образцов не только по фенотипу, но и по генотипу. Следует особо отметить возможности МАС технологий в создании широкого генетического разнообразия хлопчатника по таким его признакам, как способность к адаптации, толерантность, устойчивость к стрессам. В этой связи вопросы, связанные с отбором ДНК маркеров, генетически связанных с качеством волокна, внедрение этих маркеров в МАС технологию и создание на этой основе новых сортов хлопчатника, приобретают особую научную значимость.

В настоящее время в наше республике уделяется особое внимание внедрению в сельскохозяйственное производство интенсивных и инновационных разработок при создании новых сортов, повышении их урожайности и устойчивости к различным заболеваниям. Благодаря реализации этих мероприятий достигнуты важные результаты, в частности картирование ряда полезных генов хлопчатника, идентифицированы ДНК маркеры, генетически ассоциированные с признаками качества волокна, создано множество новых, перспективных скороспелых, высокоурожайных и с высоким выходом волокна сортов хлопчатника. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи «по внедрению в сельскохозяйственное производство интенсивных разработок и созданию новых селекционных сортов, адаптированных к местным почвенно-климатическим экологическим условиям. Исходя из этих установок,

¹Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г..

частности, путем в внедрения в исследования средневолокнистого хлопчатника вида (*G.hirsutum*) технологии маркер ассоциированной селекции (МАС), создание первичного селекционного материала, содержащего в своем геноме локусы количественных признаков, обеспечивающих повышение качества волокна, а также новых перспективных сортов хлопчатника приобретает важное научно практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, указанных в Законе Республики Узбекистан «О селекционных достижениях» от 29 августа 2002 года № 395-И, Указе Президента Республики Узбекистан от 15 сентября 2017 года УП-3281 «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозированию производства продуктов сельского хозяйства», в Указе Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Зарубежные ученые Chen et al. (2007), Zhang et al. (2008), пользуясь ДНК-маркерами, провели исследования по созданию карты генетического сцепления хлопчатника, картированию его важнейших агрономических признаков, а также изучению генетического разнообразия этой культуры. Mumtaz et al, (2007) с помощью SSR маркеров осуществили интrogессию QTL-локусов из генома *G.barbadense* в *G.hirsutum* и добились удлинения волокна на 2-3 мм. Geng с соавт. (1995) использовали технологию RAPD-маркеров для создания сортов хлопчатника, устойчивых к паутинному клещу и тле. Китайские ученые Shang с соавт. (2016) на основе молекулярных маркеров получили рекомбинантные инбредные линии и бекроссные популяции средневолокнистого хлопчатника. Ученые из США (Gutierrez et al. 2011, J.C.McCarty и др., 2017), пользуясь ДНК маркерами CIR316, GH132, BNL3279 и BNL569, дислоцированными на 18 и 21 хромосомах хлопчатника, и связанными с QTL-локусами, детерминирующими резистентность хлопчатника к галловой корневой нематоде, создали новые линии, устойчивые к данному патогену.

Ученые из СНГ - Ю.П. Алтухов (2002), А.А. Банникова (2004); Г.Е. Сулимова (2004); М.Г. Смарагдов (2009); Т.В. Матвеева (2011); Е.К. Хлесткина (2011) и другие, используя молекулярные маркеры, добились существенного сокращения продолжительности селекционного процесса.

